

**Бухоро вилояти ҳокими ва Бухоро вилояти касаба уюшмалари  
ташкilotлари бирлашмаси кенгаши Раёсатининг қўшма  
ҚАРОРИ**

2015 йил \_6\_ апрель

145- сон

2015 йил \_\_6\_ апрель

25-37 “с”- сон

**Вилоятда 2015 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш  
мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги 638-ХІІ-сонли “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 344-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сонли “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 118-модда) ижроси юзасидан вилоятда 2015 йилда болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш ҳамда ёзги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида вилоят ҳокими ва вилоят касаба уюшмалари ташкilotлари бирлашмаси кенгаши Раёсати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2015 йилда оромгоҳларни ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёрлаш бўйича вилоят чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни ташкил этиш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби ва вазифалари 2-иловага мувофиқ;

вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркибидаги оромгоҳларда таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш, уларни малакали педагог ва етакчилар билан таъминлаш бўйича 1-ишчи гуруҳи, болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, оромгоҳларда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини, санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича 2-ишчи гуруҳи, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш, уларга маданий

хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича 3-ишчи гуруҳи, оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, алоқа, транспорт хизмати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш бўйича 4-ишчи гуруҳи, оромгоҳларда электр энергияси ва табиий газ таъминоти узлуксизлигини таъминлаш, уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатиш бўйича 5-ишчи гуруҳи таркиблари ва вазифалари 3-иловага мувофиқ;

вилоятдаги стационар оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда ҳамкор ташкилот ва корхоналарнинг рўйхати 4-иловага мувофиқ;

вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан вилоятдаги стационар оромгоҳларнинг болаларни қабул қилишга тайёрлигини ўрганиш жадвали 5-иловага мувофиқ;

2015 йил мавсумида вилоятдаги стационар оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш режаси 6-иловага мувофиқ;

2015 йилда ҳокимликлар ва жалб этилган ҳомийлар маблағлари ҳисобидан вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси томонидан умумтаълим мактаблари қошида вақтинчалик ташкил этиладиган кундузги оромгоҳлардаги соғломлаштириш режаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи (М.Даминов)га 7-иловада кўрсатилган кундузги оромгоҳлар бўйича режанинг бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин ва тасдиқланган режа ижроси бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳига мавсум бошидан ҳар 10 кунда ахборот бериб бориш топширилсин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари зиммаларига:

оромгоҳларда болаларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада ошириш, хавфсизликни тўлиқ таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш юзасидан ўз қарорини қабул қилиш;

оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлаш бўйича кичик ишчи гуруҳлари тузиш, оромгоҳларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича корхона ва ташкилотлар раҳбарларини ихтиёрий жалб этиш ва бириктириш чораларини кўриш юклатилсин.

4. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Ш.Астанов)га банк муассасалари томонидан болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш, оромгоҳларни сақлаш билан боғлиқ молиялаштиришлар юзасидан банк операцияларини амалга оширишда касаба уюшмалари органлари, хўжалик

ташкilotлари ва болалар оромгоҳларини комиссиян тўловлар ушлаб қолишдан озод қилинишини таъминлаш тавсия қилинсин.

5. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси (М.Даминов), “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши (Д.Ҳақимов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими (М.Тоиров)га оромгоҳларга жалб қилинмаган ўқувчиларни ўрганиб чиқиб, уларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қизиқарли тадбирларни ташкил этиш топширилсин.

6. Вилоят телерадиокомпанияси (Б.Сайидов), “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталари таҳририяти (Ж.Исмоилов)га вилоятда оромгоҳларни мавсумга тайёргарлиги ҳамда мавсум давомида фаолиятини ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Бухоро вилояти ҳокими ва Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкilotлари бирлашмаси кенгаши Раёсатининг 2014 йил 1 апрелдаги 103, 21-280-сонли қўшма қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг [buxogo.uz](http://buxogo.uz) расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамизда қолдирамиз.

**Бухоро вилояти ҳокими**

\_\_\_\_\_ **М.Эсанов**

**Бухоро вилояти касаба  
уюшмалари ташкilotлари  
бирлашмаси раиси**

\_\_\_\_\_ **Ғ.Сафаров**